

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 21 апрел шанба Сوتувда эркин нархда № 79 (2641)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI


Кичик ҳалқа йўл

Яқинда метрода шундай суҳбатнинг гувоҳи бўлдим. Ёши етмишлардан ошган бир отахон шеригига шундай деди:

— Тошкентда кичик ҳалқа йўл қуриляпти деб эшитдим. Катта ҳалқа йўлни-ку биланми, кичиги қердан ўтаркин? Умуман, унинг вазифаси нимадан иборат бўларкан?

Дарҳақиқат, пойтахтимизда бунёд этилаётган кичик ҳалқа йўл мустақилликнинг йирик иншоотларидан биридир. У бевосита Президентимиз бошчилигида мамлакатни тубдан ободонлаштириш йўлида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг таркибий бир бўлагидир.

Хўш, бу ҳалқа йўлнинг кўлами қандай? У қердан бошланиб, қайси ҳудудларни боғлайди? Умуман у қандай вазифаларни бажаради? Биз ушбу саволларга жавоб олиш мақсадида мазкур йўл қурилишига мутасадди бўлган ташкилотлардан бири — Тошкент шаҳар йўл қурилиш-таъмирлаш трестига бўлдим.



— Шаҳримиз ичида шундай йўл бўлишини давр тақозо қилмоқда, — дейди трест бошқарувчиси Рустам Султонов. — Тошкент мустақиллик йилларида таниб бўлмаган даражада ўзгариб кетди. Замонавий бинолар, жаҳон андозалари даражасига муносиб савдо расталари, маданият муассасалари, йўллар қурилди. Умуман

Тошкентни дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар пойтахтлари билан қиёслаш мумкин бўлиб қолди. Бунга юртимизга келган ҳар бир меҳмон ҳам таъкидламоқда. Шу билан бирга, шаҳримиз кўчаларида ўзимизда ва чет мамлакатларда ишлаб чиқарилган турли русумдаги машиналар ҳам кўпайди. Шу боис, шаҳарнинг мар-

казий қисмида транспорт қатновини бир маромга солиш, йўловчилар узоғини яқин қилиш, экологик мувозанатни таъминлаш мақсадида ҳалқа йўли қуришга қарор қилинди. Шаҳримиз ичидаги ҳалқа йўлининг узунлиги 32 километр бўлиб, у Юнусобод, Мирзо Улугбек, Ҳамза, Миробод, Яккасарой, Чилонзор, Шайхонто-

ман, Собир Раҳимов туманлари ҳудудидан ўтади. Унинг 7 километри янгидан қурилади. Қолган қисми эса аввалдан мавжуд кўчаларни кенгайтириш ҳисобига амалга оширилади. Қурилиш давомида тўққизта автомобил юракдан кўприк ва битта ер ости йўли бунёд этилади. Иккита темир йўл кўприги таъмирланади. Уму-

ман, йўлни қуриш учун маблағнинг асосий қисми давлат бюджетидан, қолгани эса Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ажратилади. Бу ишларни амалга оширишда шаҳар йўл қурилиш-таъмирлаш трести ва 7-кўприк қуриш трести бош пудратчи ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир ўринбосари Р.Азимов раислигида Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Қишлоқ муаммолари диққат марказида

Йиғилишда қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурининг январ-март ойларидаги ижроси яқунлари таҳлил қилинди ҳамда 2001 йилнинг келгуси даврида бу борадаги фаложатга доир вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда қайд этилганидек, 2000 йилнинг биринчи чораги мобайнида қишлоқ ҳудудларида 269 километр сув қувурлари ва 580 километр газ қувурлари ётқизилди ҳамда фойдаланишга топширилди. 65 та қишлоқ аҳоли пункти ичимлик суви билан таъминланди, 94 та қишлоқда табиий газ етказиб берилди. Қишлоқ қўрғонларини сув таъминоти тармоғига улаш ишлари суръати ўтган йилга нисбатан 2,4 марта ошди, газ таъминоти бўйича эса 105 фоизни ташкил қилди. Ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистонда яшаётганимдан фахрланаман»

Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи Тамара Костинага Президент Ислам Каримовнинг мактуби ва эсдалик совғаси топширилди.

Одатдаги кунларда ва байрамлар арафасида давлатимиз раҳбари номига республикамиз фуқароларидан кўплаб хатлар, табриклар келиб туради. Шулардан бири — Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи Тамара Костинанинг самимий қалб сўзлари, эзгу тилаклари баён этилган мактубдир. Тамара Костина ўз мактубида Президентимизни Наврўз байрами билан табриклаб, унга Ўзбекистондаги барқарорлик, тинчлик ва осойишталик учун миннатдорлик билдиради. Мактубда шундай сатрлар бор: «Ватанимизнинг мусаффо осмони остида кўп миллатли ахил оила ҳаёт кечирмоқда. Бунда барча тенг ҳуқуқли ва шахс сифатида эҳтиромга сазовор, ҳар бир киши ўзининг эзгу ниятини амалга ошириш имконига эга».

Тамара Костина табарруқ ёшда эканига қарамай, ҳамон Бухоро тиббиёт институтида ишлаб келмоқда. У ўзини республикада содир бўлаётган барча ислохотлар ва эзгу ўзгаришларга дахлдор деб билади.

У асосий ишдан ташқари амалий-бевак санъатига кўнгил қўйган, рангли илгирдан турли буюмлар тўқийди. Халқ ҳунармандчилиги танловлари ва кўرғазмаларида иштирок этиб келади. «Табрикор аёл», «Мусаавир» уюшмала-

рига аъзо. Унинг уй коллекциясидан рангли илгирдан тўқилган, юртимизнинг ўрнига яқин турфа гуллари ўртин олган. Тамара Костина Ўзбекистон халқ санъатига муносиб улуш қўшишни орзу қилади. У ўз асарларидан бирини Наврўз байрами арафасида Президентимизга тақдим қилди.

Ислам Каримов ўзининг Тамара Костинага ажойиб ҳуқуқи учун самимий миннатдорлик билдирилган жавоб мактубида, жумладан, қуйидаги илқ фикрларни изҳор этди:

«Хайтда кўп нарсани бошидан кечирган сиздай оддий рус аёли, Ўзбекистонни, бутун ҳаётини, меҳнати ва ижоди бағрида келаятган Бухоро шайхони қадрдон уйим деб аташи жуда қувончликидир. Гуллардан тўқилган асарларингизда сиз саховатли заманимиз гўзаллигини тараннум этасиз, уларда кўп миллатли халқимизнинг жўшқин, яратувчилик кайфияти мужассам. Бой ҳаётини тажрибангиз, маҳоратингиз, улкан меҳнатсеварлигингизни ўш авлодга мерос қолдиришни сиз ўзингиз учун ҳам фараз, ҳам қарз деб ҳисоблайсиз. Бу мени, айниқса, мамнун этди. Сизга ва яқинларингизга чин дилдан мустаҳкам соғлик, узоқ ва бахтли умр тилайман.»

Р.ҲАКИМОВ.

«Ташаббус-2001» танлови

Омад шоҳсупаси

мамлакатимиздаги энг яхши, энг муносиб тадбиркор, фермер ва ҳунармандга насб этди

Кўни кеча пойтахтимиздаги мухташам «Туркистон» саройида бўлиб ўтган аylanма «Ташаббус-2001» танлови бунга яна бир қарра тасдиқлади. Унинг иштирокчилари бош муқофот — Президент совринини қўлга киритиш учун ўн босқичда кураш олиб бордилар. Халқ қилувчи республика босқичида қатнашиш бахти эса 14 нафар тадбиркор, 13 нафар фермер ва 14 нафар ҳунармандга насб этди. Ушбу танлов доирасида улар томонидан ишлаб чиқарилаётган кенг истеъмол махсулотлари ва ҳунармандчилик буюмларининг кўрғазмаси ҳам ташкил қилинди.

Шуниси қувончлики, бугунги кунда ўзбекистонлик тадбиркорларни хатто хорижда ҳам яхши билишади. Тошкент вилояти, Паркент туманидаги «Ёшлик» кўрғанида жойлашган «BER-AD» хусусий фирмасини олайлик. 1995 йилда ташкил этилган ушбу фирмага ўрта

(Давоми 2-бетда).

Кун тартибида реклама масаласи

Бугун кундалик ҳаётимизни рекламаси тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида реклама жуда муҳим. Шу билан бирга, республикамизда бу масала юзасидан қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларни тақомиллаштириб боришни ҳам давр талаб қилмоқда. Кеча республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳузуридаги Реклама бўйича идораларо кенгашининг тегишли соҳаларда «Реклама тўғрисида»ги Қонун талабларининг бажарилишига бағишланган йиғилиши бўлиб

ўтди. Уни қўмита раиси Б. Насриев олиб борди.

Мажлиса Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг ахбороти тингланди. Шунингдек, унда «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг қонунга ўзгаришлар киритиш бўйича таклифлари муҳокама қилинди. Йиғилишда бу таклифлар қўмита мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилгандан сўнг, Адлия вазирлиги ва Олий Мажлисда кўриб чиқиш учун тақдим этишга қарор қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўрғазмалар залида «Заргарлик санъати» мавзусида халқаро кўрғазма-ярмаркаси очилди.

Кўрғазмада ўттиздан ортиқ давлат ҳамда хусусий фирма ва компания ўз махсулотлари билан иштирок этмоқда. Улар орасида Италия, Польша, Канада, Россия, Украина, Хиндистон, Арманистон, Грузия, Қирғизистон мамлакатлари бор.

Мамлакатимизнинг миллий ва минтақавий заргарлик санъати анъаналарини ўзида муҳассамлаштирган

Заргарлик буюмлари кўрғазмаси

давлат ва хусусий заргарлик фирмалари кўрғазманинг асосий қатнашчиларидир. Республикаимиздаги на эмас, балки Марказий Осиёда ҳам энг йирик қорхоналардан бири — Навойи кон-металлургия комбинати қошидаги Зарафшон заргарлик заводининг махсулотлари хилма-хиллиги ва жозибadorлиги билан кўпчилик эътиборини жалб этмоқда. «Фон» илмий

ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Мусаавир» илмий-ишлаб чиқариш маркази, «Устазода» халқ усталари бирлашмаси махсулотлари ҳам аъёнани ўзбек заргарлик санъатини кенг намойиш қилаётди.

Тадбир доирасида «Заргарлик тақинчоқлари XX1» танлови, «Осиё XX1» модellar фестивали ҳам бўлиб ўтди.

(ЎЗА).

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Японлар мафтун бўлди

Токиода қамон билан чалинадиган мусика асбоблари усталари иштирокида концерт бўлиб ўтди. Унда Хитой, Хиндистон ва Ўзбекистондан ташриф буюрган 6 нафар санъаткор иштирок этди. Сўрашқилиш, истеъдодли санъаткор Абдуҳасим Исмоилов ҳам ўз нижжани билан ушбу эзгу хос мусиқий беллашувда қатнашди. Ўзбек нижжанининг майин ва сербаш наволари ҳамда санъаткорнинг

Миттеран ташрифидан сўнг

«Ўзқомхозмат» агентлигида Ўзбекистон ва Франция илмий техникавий ҳамкорлиги доирасида суви тозалабчи микробиологик ишлов берувчи замонавий технологияларнинг мамлакатимизда қўлланилишига бағишланган семинар ўтказилди. СФЕК фирмаси президенти Алён Ширинг таъкидлашча, мазкур ҳамкорлик

Франция президенти Франсуа Миттераннинг Ўзбекистонга достлики ташрифидан кейин бошланган экан.

Ташаббус натижасиз қолмади. Урганч шаҳрида «Қорқолпонистон Республикаси ва Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий тараққиётида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни» мавзусида минтақавий конференция бўлиб ўтди. Конференция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, АКШ Халқаро тараққиёт агентлиги ҳамда Винорк Интернэшнл халқаро ташкилотларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ташаббуси билан ўтказилди.

Икки-уч дақиқа кифоя...

Новий қончилик институтида ўқимокчи бўлган обитуринтлар ўз билим даражаларини аниқлаш имкониятига эга бўлдилар. Сабоби, институт компьютерлари Давлат тест марказига уланди. Энди имтиҳон натижаларини аниқлаш учун икки-уч дақиқа кифоя.



Пойтахтимиздаги «Ўзқўрғазмаси»да «Фарона водийси экспорт имкониятлари» кўрғазмаси бўлиб ўтди. Кўрғазмада хорик махсулотларини доғда қолдиришга ҳадир махсулотларини кўриб, қалбингиз гурурга тўлдир. Ўзимизники. Ажаб эмас, ушбу махсулотлар тез фуқароларда хорик бозорларини ҳам забт этса. СУРАТДА: Кўрғазмада намойиш этилаётган «Асака»нинг «Матизи». Нўрмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Тошкент трамвайи — 100 ёшда

... 1896 йилнинг ноябр ойида «Сисъете жeneralь де Бельжик» компанияси Тошкентда - Туркистон ўлкасида биринчи трамвай қурилишига қўмаклашишни ўз зиммасига олган эди. 1901 йил март ойининг охирида эса вокзалдан эски шаҳар бозоригача от қўйиладиган дастлабки трамвай қатнови йўлга қўйилди. Шундан бунён бир аср ўтди. Ушбу муҳим сана муносабати билан Темирйўлчилар маданият саройида Тошкент трамвайининг юбилейига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Тошкент шаҳрида трамвай ҳаракати ташкил этилганнинг 100 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳар йўловчи транспорти қорхоналари давлат уюшмасининг меҳнат жамоасига табрик йўллаб, электр транспорти қорхоналарининг алоҳида ўрнар кўрсатган бир гуруҳ ходимларини орденлар, медаллар ва фахрий унвонлар билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими К.Тулаганов мамлакатимиз раҳбарининг шу соҳа ходимларининг халқ фаровонлиги йўлидаги меҳнатига юқори баҳо берилган табригини ўқиб эшиттирди ва уларга давлат муқофотларини топширди. Шу кўни Шимоллий вокзал ҳудудидан от қўйиладиган вагонлар ва трамвайларнинг эски моделлари байрам пароди ўтказилди. Уларни оркестр садолари остида отлик чақандозлар ва эски моделдаги автомобиллар кузатиб борди. Шундан сўнг Темирйўлчилар маданият саройи олдида митинг ва катта концерт бўлиб ўтди. Байрамни нишонлаш учун Ўзбекистон пойтахтига Бельгия, Чехия, МДХ давлатлари ва Болтқўйидан меҳмонлар, республикамиз шаҳарларидаги электр транспорти қорхоналари раҳбарлари ташриф буюришди. Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлигида семинар бўлиб ўтди. Унда иштирок этган меҳмонлар тошкентлик трамвайчилар фаолиятига юқори баҳо бериб, «Тошшаҳарйўловчилар» давлат уюшмаси билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдиришди. Юбилей тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари А.Исаев иштирок этди.

(ЎЗА).

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Гонгадзе тирик экан

Кўни кеча тарқатилган ушбу хабар катта шов-шувларга сабаб бўлди. Украина Бош прокурори ўринбосари Алексей Богоненнинг маълум қилишича, ўтган йилнинг ноябр ойида бедарак йўқолган украиналик мустақил журналист Георгий Гонгадзе Чехияда тирик қўрғон одам топилган. Прокурорнинг таъкидлашча, ойна пайтда гувоҳ сўрак қилинмоқда.

Самолёт қачон қайтади?

Хитой АКШнинг «ЕР-3» жасус самолётини қачон қайтариб бериши ҳамон ноаниқлигича қолмоқда. Кеча Пентагон расий вакили Крейг Кунгли самолёт барибир қайтарилишига шубҳа қилмаётганини таъкидлади. Самолётнинг ҳазирги техник ҳолати парвоз қилишга имкон бермас, булақларга бўлиниб, кемада олиб кетилади, деди у ишонч билан.

Чегаравий баҳс ўта нозик


Хиндистон ва Бангладеш чегарасидаги отишмалар ту-

Арафат урушмоқчи эмас

Сўнги бир ҳафтада Яқин Шарқда юзга келган ва-

Сўнги сонияларда...

Россиянинг НТВ телеканали журналистлари «Газпром» ширкати билан курашишдан бош тартишди. Шу йилнинг 15 майида БМТ Бош қотиби Кофи Ананнинг Россияга расий ташрифи бошланганидан бўлди. Нидерландияда оксил касаллиги сабабли 40 йилдан ортиқ фермерлар ишдан ажралди. Россия Федерациясининг собик президенти Борис Елцин халқаро Демидов жамоғармасининг Олий мукофотига сазовор бўлди.



Зият ўта таҳликали тус олди. Ушбу хаттарли ва з я я т д тинч музоқара ўтказиш, сийсага эриш бермасдан, ўртадаги низоларни баҳамжиқат ҳал этиш лозим экани яққол кўринди. Шу боис, кўни кеча Фаластин муқторияти раҳбари Ёсир Арафат ўз хайрихоҳлариго Исроил ҳудудидан қарши отишмаларни тўқтатиш тўғрисида расман буйруқ берди.



Қишлоқ муаммолари диққат марказида

(Давоми. Боши 1-бетда).

1,7 миллиард сўм ажратилди. Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга оширишга доир умумий харажатлар 2,26 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Республика комиссияси йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, "Ўзтрансгаз" компанияси раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Тошкент, бошқа бир қанча вилоят ва туманлар ҳокимликлари ишбу муҳим ижтимоий вазифани амалга оширишда яхши кўрсаткичларга эришгани кайд этилди. Шу билан бирга Андижон, Навоий, Сирдарё вилоятлари ва бир қанча туманларда Дастурий амалга ошириш борасидаги ишлар етарлича ташкил этилмагани ҳамда қишлоқларда сув ва газ тармоқларини қуриш суръатлари су-сайгани кузатилади. Вазир-

фани бажаришда узилишга йўл қўйган ҳокимлар ўринбосарлари, вилоят комиссиялари раҳбарларига нисбатан қатъий талаблар қўйилди ва уларнинг бу йўналишдаги фаолиятига ҳолисона баҳо берилди.

Вилоятлар ҳокимликларига сув қувурлари ва газ тармоқларини фойдаланишга топшириш, қишлоқ аҳоли пунктларига ичимлик суви ва табиий газ етказиб бериш бўйича жорий йилга белгиланган вазифалар сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда 2001 йилда сув ҳўжалигида мураккаб вазият юзага келиши муносабати билан қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш масаласи муҳокама этилди. Орол денгизи ҳавзасидаги дарёлар сувининг тахминий ҳисоб-китобларига кўра жорий йилда, айниқса, Амударё ҳавзасида кескин сув ҳўжалиги вазияти сақланиб қолиши кутилмоқда. Шу сабабли Амударё ҳавзаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона водийсидаги кичик дарёлар ҳавзаларида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш қарор қилинди.

(ЎЗА).

Ёрқул УМАР, ЎЗА мухбири.

Отар ёнида экинзор

Қизилқум чўлида Айдарқўл сув ҳавзасининг пайдо бўлиши Навоий вилоятининг Конимех, Нурота туманлари аҳолисини бироз ташвишга солган бўлса-да, чўлларга деҳқончилик қилиши имкониятини яратди. Нурота туманидаги "Қизилча" қоракўлчилик ширкат ҳўжалиги қўл бўйидаги "Дарвоза" массивида минг гектар ер ўзлаштирди.

Бугунги кунда Айдарқўл бўйида 3 километрли бетон каналдан сув оқмоқда. Қўлда ташкил этилган 13 фермер ҳўжалигига қарашли майдонларда галла, полиз, сабзавот экинлари баравж ривожланиётди. Фаллоқорлар шу кунгача бўғдойзорларни учинчи суудан чиқарди. Қуз ва баҳорда ўтказилган 10 минг тундан зиёд мева-даракт қўчатлари барг ёзди.

Ҳозир тумандаги "Обихаёт" ЛТД фирмаси, 6-механизациялашган кўма қорхона, туман йўл қурилиши бошқармаси ҳамда электр тармоқлари идораси жамоалари йил охиригача яна 300 гектар ер очиб ҳаракатда.

Ёрқул УМАР, ЎЗА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Халқа йўлини олти йилда қуриб битказиш режалаштирилган. Хар йили унинг бир қисми қуриб фойдаланишга топшириб борилади. Йўл тўла қуриб бўлинган, машиналар қатнови бир дақиқа ҳам тўхтамайди, яъни светофор бўлмайди. Йўлнинг тепасига ёриткичлар қўйилди. Қўчанинг ўртасини эса ер чироқлари безатади. Йўлнинг икки томонида ҳам тўрт қатордан машина қатнайди.



Кичик ҳалқа йўл

Ҳозир йўл қурилиши кизгин давом этмоқда. Биз метронинг Пушкин бекатаидан чиқиб, тўғрига қараб юрaverишдаги Буюк Ипак йўлидан Шимолий темир йўл вокзалигача бўлган оралиқдаги ишлар билан танишдик. Қурилиш ниятда катта қўлмада олиб бориляпти. 200 га яқин йўлсоз 150 техника воситаси ёрдамида икки сменада меҳнат қилишяпти. Бу ердаги ишларни қўриб одамнинг шошиб қолиши ҳеч гап эмас. Иккита хар бири 32 тонна келадиган оғир техника ерни шибмаламоқда. Шағал тўшаган, уни ёйган, ер қовлаган, оғир бетон плиталарини йўл четига олиб қўяётган ва бошқа юмушларни бажарётган техника воситалари бир қанча. Хамма иш билан банд. Бир томонда пайвандчилар қуриляётган кўприкнинг арматураларини пайванд қилишмоқда. Бу ерда 1-қурилиш-таъмирлаш бошқармаси ишчилари меҳнат

қилишяпти. Ҳали асфальт қилинмаган, лекин кенг ва равош тош йўлни қўриб, кишининг ҳаваси келади. Йўлсозлар ҳозиргача битта автомобил кўпригини қуриб бўлишди. Темир йўл ўтадиган иккинчи кўприк йўл эса таъмирланаяпти. Бу ердан Шимолий вокзалгача бўлган масофа 4,2 километрни ташкил этади. Йўлсозлар мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланадиган кунгача ўзларига бирктилган масофани қуриб битказишга сўз беришган. Темир халқа йўлининг давомини, яъни Буюк Ипак йўлидан Х.Эрга-

шев кўчаси бўйлаб Амир Темур кўчасигача бўлган оралиқни 4-таъмирлаш қурилиш бошқармаси ишчилари бунёд этишяпти. Уч километрдан иборат ушбу бўлак ҳам 1 сентябрдан қуриб битказилади. Мустақиллик байрамида халқа йўлининг янги — 6,8 километр масофасида машиналар қатнай бошлайди, яъни Амир Темур кўчасидан Шимолий темир йўл вокзалигача бўлган қисми қуриб битказилади.

Йўл қурилишидаги улкан бунёдкорлик ишларини кузатсангиз руҳингиз кўтарилади. Ҳа, бундай катта қурилишлар юртимиздаги тинч-

лик, осойишталик, Президентимиз томонидан олиб бориляётган оқилона сиёсат натижаси эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Келинг яқин маҳаллардан бирида яшовчи отахон Икром Акбаровнинг сўзларига қўлак туйайлик:

— Менинг асли касбим қурувчи. Ҳозир нафақаданман. Йўл қурилиши нодароғатда кизгин бормоқда. Шу ёшга етиб, кўп йиллар шу тармоқда ишлаб бундай шиддатни ҳеч кўрмаганман, — деди у.

Отахон ҳақ гапни айтди. Сабаби давр ўзгарди, зармон ўзгарди. Ҳозир хар бир соҳада буни сезиш мумкин. Жумладан, пойтахтимиздаги кичик халқа йўли қурилиши ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Ҳосил КАРИМОВ, Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: қуриляётган лавҳалар.



Ислоҳот одимлари

Омад шоҳсупаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ҳўжалиқни янада кенгайтириш ниятидмиз, — дейди А. Болтабоев. — Мақсад қишлоқ жойларида бандлик муаммосини бартараф этишга ўз қиссамизни қўшишдир. Ҳозирги кунда жамоамизда 100 га яқин йигит-қизлар меҳнат қилишмоқда.

Мустақиллик шарофати туйғули юртимизда халқ амалий санъатини ривожлантириш учун ҳам кенг йўл очилди. Риштон ўзларинг қўлчиллик санъати билан қадимдан машҳур. Алишер Назиров ана шу мақсаднинг кенжа вакиллари-дан биридир. Унинг қўлида жило топан сопол буюмлар нафислиги ва бежиримлиги билан ажралаб туради. Бу эса қўллаб ўш истеҳсолдорларнинг юзага чиқиши учун маънавий замин яратмоқда.

... Ҳаммининг ҳаёлида бир ўти: голиблик кимга насиб этаркин? Албатта, танлов ўз номи билан танлов. Унда бир-бири ютади, бир-бири ютқазади. Бу сарф ҳам шундай бўлади. Фоллиларга келса, биз уларни юқорида таништириб ўтдик.

Танлов ҳайратли хулосасига кўра, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда самаралар натижаларга эришгани учун, Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «BER-AD» хусусий фирмаси раҳбари Саидкарим Юсупов «Нексия», андижонлик фермер Абдурахмон Болтабоев «Дамас», Риштон туманилик хунарманд Алишер Назиров «Тико» энгил автомобиллари билан тақдирландилар ва Президент мукофоти беш соҳибдорларга бўлди. Танловнинг бошқа иштирокчилари, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини вақтли матбуот ва телевидение орқали кенг ёритишда фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ журналистлар ҳам қимматбаҳо совғалар билан сийланди. Эслатиб ўтайлик, мукофотланганлар орасида ҳамкасбимиз, «Народное слово» газетаси бўлим мудирини Т.Орлова ҳам бор.

Носир ТОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Яккабоғда «Зиё-Нур» хусусий ишлаб чиқариш қорхонаси фаолият юротаётганига қўл вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, қорхона ишлаб чиқарётган маҳсулотлар таърифи бутун Қашқадарёга овоза бўлди.

«Зиё-Нур» Германия технологияси асосида беш турдаги макарон, тўққиз турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқараяпти.

Тўғри, қорхонада ишлаб чиқариляётган ва чиройли елим қалтачаларда қандоқланган маҳсулотлар ҳозир республика миқёсида тарқатилмоқда. Ажаб эмас, яқин мuddат ичида қорхона маҳсулотлари хориж бозорларини ҳам забт этса. Яхши ният: ўшал кун келур. СУРАТДА: қорхонанинг илгор ишчиси Яхшимул Бойқобилова. Тохиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

XXI аср — барқамол авлод асри

Магистратура қалдирғочлари

Мамакланда олиб бориляётган таълим ислоҳоти таълим даргоҳларида ўзини кўрсатапти. Ватанимиз халқ ҳўжалигини юксак малакали кадрлар билан таъминлашга даъват этилган. Тошкент давлат техника университети ҳам бундан мустасно эмас. Аввало, мустақиллик йилларида собиқ Политехника институти Техника университетига айланди. Ўзгариш унга юқори ижтимоий маъво бағишлагани қолмасдан, бу ерда ўқув тарбия ишлари ҳақиқий университет таълими мезонлари савиясига кўтарилди.

Олий таълимга бақалаврият ва магистратура босқинларининг жорий этилиши, жумладан, республика саноят қорхоналари учун техника йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрлашга янги сифат мезонларини бағишлади. Масалан, илгариги муҳандислардан фарқли ҳолда Техника университетида етишяётган бақалаврлар кенг соҳалар бўйича билим ва малака ҳосил қилишмоқдалар. Бақалаврлар муайян йўналиш бўйича ҳалқаро андозалардаги билим, малакумат ва амалиёт билан қуролланган соҳа малакаси-дан ташқари компьютер билан ишлаш тажрибасига эга бўлади, чет тилларидан билим-портасини эгаллайди. Университетда бизнес, менежерлик, маркетинг қонун-қодаларини ўзлаштириб, ўз соҳаларида иқтисодий иш юретишининг сирларини ҳам билиб қадади.

Маъзулми, магистрлик — бақалаврият негизида, энг иқтидорли бақалаврларни танлаб олиш асосида шакллантирилган, аниқ мутахассислик бўйича мукамал даражага эришиладиган олий касб таълимидир. Қабул жараёнида магистрату-

дай ҳол эса уларнинг масъулиятини янада оширади. Айрим магистрларимиз «Умид» жағмараси синовалридан ўтиб, нуфузли таълим марказларида ўқини давом эттиришмоқда. Магистрларимиз орасида нефт ва газ соҳасида илмий-тадқиқот олиб бораётганлар анчагина. Магистратуранинг биринчи босқинини 50 нафар худди шу йўналишдаги магистрлар ботирипти. Уларнинг илмий-ижтимоий изланишлари шу соҳанинг долзарб муаммоларига бағишланган.

Ҳозирги кунда магистрантларимиз республикамизнинг қўлгина саноят марказларида қисқа мuddатли амалиётни ўтамоқда. Улар саноят миқёсидаги янгиликлар ва муаммолар билан танишиб, ўз тахлиллари ва кузатишлари билан қайтадилар. Уларни эгаллаш ҳақида замонавий назарий билимлар асосида саноятларга назар ташлайдилар. Тахлиллари асосида керакли хулосалар, ишлаб чиқариш ислоҳ қилишга қаратилган тавсиялар тайёрлайдилар. Магистрантларимиз ҳақида улар амалиёт олиб бораётган жойлардан қўнғилиш хуш қиладиган тавассутоллар, хулосалар ҳам олинаётгани кўнғилидир.

Магистратура таълимини тақомиллаштиришда ЎзФА институти яқин ҳамкорлигимиз ҳам яхши натижалар берапти. Магистрантларга академия тизимидagi олимлар ҳам келиб дарс бермоқдалар. Талабалар ўқув жараёнида академия лабораторияларида амалиётларини

ўтказмоқдалар. Академия мутахассислари ва университетимиз педагоглари биргаликда техника ва технология фанлари йўналишдаги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, маъруза материалларини тайёрлашмоқда. Албатта, магистратуранинг биринчи босқини фаолиятимиздаги муаммоларни ҳам аён этапти. Масалан, нефт-газ, дунёда техника ва технологиянинг ҳозирги тараққиёт даражасидаги замонавий лаборатория жиҳозлари ҳамда бу йўналишдаги изланишлар, ихтиролар ва истиқболли оид қарашларни акс эттирган энг янги адабиётлар ҳозирча етишмай турибди. Шунингдек, интернет орқали бошқа мамлакатлардан илмий ахборот қўйиш ҳам жиддий йўлга қўйишмиз керак.

Мавжуд камчиликлар магистратура таълимининг бундан кейинги жараёнида, албатта, ҳал этилади. Энг муҳими, республикамиз илм-фани, санвати, иқтисодиёти ривожига амалий ҳисса қўша оладиган, янги тафаккурли магистр кадрларнинг биринчи гуруҳини ҳаётига йўллаганимиздан мамнунми. Улар Ватан ишончини, Президентимиз ишончини оқлайдиган, Ўзбекистон келажакини яратишга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган ёшлар эканлигига ишончимиз қомил.

Садриддин ТУРБОЖОНОВ, Тошкент давлат техника университети проректори, техника фанлари доктори.

Тахририятимизга кириб келган киши ўзини техника фанлари номзоди Абдуқодир Иминов деб таништирди. Сўзбатлашдик. Гурунгимиз маззун бугунги кунда нафақат республикамизда, балки бутун дунё миқёсида муаммо ҳисобланаётган йод танқислиги хусусида бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам бу дунёвий муаммонинг бартараф этишни устувор вазифа қилиб қўйганлиги бежиз эмас. Қолаверса, ўтган йили Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси, Ёшлар ишлари қўмитаси, Оила ва аёллар муаммолари комиссиялари биргаликда «Фўқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Сирдарё ва Навоий вилоятларидаги ижросини ўрганганидан, мазкур вилоятларда йод етishмаслигининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қўриш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратганди...

Йодланган ичимлик суви Унинг афзаллиги нимада?

— Шифокор бўлмасам ҳам, — гап бошлади «Шифобахш бўлоқ» очик турдаги акциядорлик жамияти раисининг инвестиция ва қимматли қозғалар бўйича маслаҳатчиси Абдуқодир Иминов, — айрим хасталикларнинг келиб чиқишига инсон организмда баъзи элементларнинг етишмаслиги сабаб бўлишини биланаман. Масалан, темир моддасининг танқислиги қанқонликни келтириб чиқаради ва у қўлдан-қўл асоратларга олиб келади. Еки хужайраларнинг қўлайишда муҳим рол ўйнайдиган рух моддаси. У эркаклик хусусидаги таъсир кўрсатади. Танамизда йод етишмаслиги масаласига келсак, у билан боғлиқ хасталиклар яққол кўнга ташланмаса-да, лекин унинг саломатликка кўрсатадиган зийни бекёйс.

— Кўпчилик буюқ касаллигини, жумладан қалқонсимон безининг катталашшини организмда йод етишмаслиги билан боғлайди. — Бу гапта жон бор. Соҳа олимларининг маълумотларига қараганда, йод етишмаслиги акция зифлиқ, бешушлик, бола тушиши, қар-соқовлик, буюқ хасталиги каби асоратларга олиб келади. Дунё бўйича 800 миллион одам у ёки бу даражада буюқ касаллиги билан орияган. Республика Эндокринология илмий-тадқиқот институти ходимлари томонидан аҳоли гуруҳларининг 1998 йилда эпидемиологик кўриқдан ўтказилиши ўлкада буюқ хасталиги мавжудлигини кўрсатди. Йод танқислиги шароитида республикамизда кейинги ўн йил давомида қалқонсимон безининг саратон касали формаси қўлайлиги ҳам сезилди. Бундан ташқари ҳомиладор аёлларнинг аксариятида буюқнинг кузатилиши ёш авлод со-

ғлигига салбий таъсир кўрсатиши табиий.

— Абдуқодир ака, кейинги пайларда одам танасидаги йод танқислигини бартараф қилиш мумкинми? — Илгари бунинг учун ягона — ош тузини йодлаш усули қўлланган. Бироқ, йод ош тузида узок сақланмай, учиб кетиши мумкин. Ундан ташқари организмда ошон ҳам бўлиш хусусиятига эга эмас. Йод танқислигини бартараф қилишнинг энг самарали усули ичимлик суви, хусусан, маъданли сувида йод қўшишдир. Йодланган сув қўлгина йод танқислиги касалликларини доволлаш — инсоннинг иш қобилиятини кўтариш, болаларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан ўстириш, аёлларда бола тушишининг олдини олишда, организм иммун тизимини мустаҳкамлашда самарали таъсир кўрсатади. Шунингдек, йодланган суви тўғри қўллаш ошқозон-ичак фаолиятини аяшлайди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, йодланган ичимлик суви фанда катта ҳодиса ҳисобланади.

— Демак, йодланган ичимлик суви ишлаб чиқариш технологиясини йўлга қўйиш керак экан-да. — Украиналик олимлар ишлаб чиққан технология айна шундай сув ишлаб чиқариш имкониятини яратди ва организмга йоднинг ион ҳолида киришини таъминлайди. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, йод организмга тайёр ҳолда, ҳам қилиш ошон бўладиган тарзда кирди. Ортиқча тушган йод ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда пешоб орқали ташқарига чиқди. Бу технологиянинг патентини ҳозир Германия, Греция, Литва, Белоруссия, Россия, Венгрия давлатлари сотиб олиб, ўзларидagi йод танқислиги муаммолари

рени ҳал этмоқдалар. Патентнинг баҳоси ўн миллион АКШ долларига тенг. Бизнинг «Шифобахш бўлоқ» ҳам ўз ташаббуси билан Украинадан мазкур технологияни келтиришни борасида ўтган йилдан буюн музокаралар олиб борапти. Мазкур технологиянинг Ўзбекистонга келтирилиши ва шу асосда «ЙОДИС» концентрарини ишлаб чиқариб, уни қўшни давлатларга сотиш, сарф қилинадиган харажатларни қисқа мuddатда қоплаш имконини беради.

— Украиналик олимлар томонидан ишлаб чиқилган «ЙОДИС» концентрарининг иқтисодиётимизнинг бошқа соҳаларига таъсири борми? — Бу концентрат маъданли суви маълум пропорцияда қўшилиб, ичимлик ҳолига келтирилади. Концентрат устида 1989 йилдан буюн илмий текширувлар ўтказиб келинмоқда. Тегушли идоралар томонидан маҳсулотга сифат сертификатини берилган. Уни деҳқончиликда ҳам қўллаш бўйича муайян тажриба тўпланган. Бундой, қанд лавлага уруғи «ЙОДИС» билан ишлов берилганда ҳосилдорлик 5-7 фоизга ортганлиги қайд қилинган, паррандаларда синашда ҳам маҳсулдорлик ортганлиги кузатилди. Республика миқёсида шароитда пахта ҳосилдорлигини ошириш борасида украинлик олимлар тажрибасини ўрганиш, амалиётга жорий қилиш яхши натижа бериши мумкин. Умуман, йодланган сув ишлаб чиқариш республикамиз аҳолисини соғломлаштиришда муҳим аҳамият касб этибгани қолмай, балки агросаноат мажмуининг самарадорлигини оширишда ҳам қўл келиши шубҳасиз.

— Украиналик олимлар ишлаб чиққан технология айна шундай сув ишлаб чиқариш имкониятини яратди ва организмга йоднинг ион ҳолида киришини таъминлайди. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, йод организмга тайёр ҳолда, ҳам қилиш ошон бўладиган тарзда кирди. Ортиқча тушган йод ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда пешоб орқали ташқарига чиқди. Бу технологиянинг патентини ҳозир Германия, Греция, Литва, Белоруссия, Россия, Венгрия давлатлари сотиб олиб, ўзларидagi йод танқислиги муаммолари

Сўзбатдош: «Халқ сўзи» мухбири Умида ФАЙЗИВА.

Баҳорги ҳарбий қаҳриги

Ҳарбий хизматга жўнаш арафасида турган урганчилик йигитлар нуроний отахон ва онахонлар, акалар ва опалар билан учрашдилар. Улар билан юракдан сўхбатлашдилар.

Асл йигит аскар бўлар...

Айниқса, истеъфодаги офицер Маълуд Мирзоевнинг сўзлари таъсирли бўлди: — Ҳарбий хизмат йигитнинг куксини тоғ, кўнглини чоғ қилади. Чунки унга Ватан мудофааси ишониб топширилади. Бу ишонччи оқлаш керак. Жалолиддин Мангуберди наслидан эканлигини ҳеч вақт унутманг.



Умар Ҳайём - Болтиқбўйида

Буни унутиб бўладими? Ахир ҳар кун халқ қахрамонининг салобатли ҳайкали уларнинг ватанпарварлик интилишларини, орзу-истакларини аланга олдириб турибди-ку!

Эрта-индин ҳарбий либос кийиш орузида бўлган Алишер Қариевни тинглаймиз: — Телевизорда юртимиз ҳарбийлари ҳақида кўрсатувлар берилганда завққа тўламан. Тўғриси, уларга ҳавасим келади. Уларга ўхшаш учун мунтазам спорт билан шуғулландим, компьютерда ишлашни ўргандим. «Аввал Ватан, кейин жон» деб қуйланадиган қўшиқни жуда яхши кўраман.

Урта мактабни муваффақиятли тамомлаган Бахтиёр Бобонозов келгусида юридик институтда ўқиш ниятида. Бунинг учун эса у дастлаб ҳарбий хизматни ўташ зарур деб ҳисоблайди. Чунки акалари Темур ва Шавкат, ин-

титутда ўқидан олдин, йигитлик бурчларини адо этиб қайтишган. Ҳарбий хизмат уларни ҳар томонлама чиниктириб, гидроқларини ўстирган.

— Узимни жисмонан бақувват ҳисоблайман. Техникага ҳам қизиқман. Хизматни яхши ўташимга кўзим етди, — дейди Бахтиёр.

Бугун фарзандларига оқ йўл тилаб, хизматга қузатаётган ота-оналарнинг фахру қувончлари ҳам бир дунё. Чунки жигаргўшалари улғайшиб, эл-юрт қорига ярайдиган бўлишмоқда. Мард ва ўқма йигитлар сифатида ҳаммамнинг меҳрини қозонишмоқда.

— Уғлим Алишердан мамнунман, — дейди ҳамшира

Хосият Жуманиёзова. — У кейинги пайтда анчайин хушёр ва сергак бўлиб қолди. Масыулиятни ҳам тез англаб етди. Ҳарбий хизмат орзуси уни жуда ўзгартирди. Болаларимиз ўз юртимизда хизмат қилаётганларига нима етсин?!

Урганч шаҳар мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Баҳром Жуманиёзов айтган гап ҳам ёшларнинг орзусига қанот бағишлади. — Урганчилик йигитлар ҳар-

бий хизматни аёло даражада ўтаётганликлари ҳақида кўплаб миннатдорчилик мактублари оляймиз, — дея у ҳарбий қисмлардан келган бир даста хатларни қаҳирлиқчиликка қўйди. Сизларнинг ҳар бирингиз ҳақингизда ҳам шундай хатлар олсак дейимиз.

Ха, нафақат мудофаа ишлари бўлим ходимлари, барча шундай орзуда. Бу эзгу ниятнинг ушалишида эса маҳаллий ҳокимликлар, мудофаа ишлари бўлимилари билан бирга ўтказиб келинаётган учрашувлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиши тайин.

Сотим АВАЗ, «Халқ сўзи» мухбири.

Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида ҳамдўстлик ва Болтиқбўйи мамлакатлари театрлари иштирокида халқаро фестивал бўлиб ўтди. Унда Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидаги Ўзбекистон Ёшлар театри жамоаси ҳам қатнашди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, иктидорли режиссёр, 2000 йилги «Офарин» мукофоти соҳиби Наби Абдураҳмонов раҳбарлик қилаётган ушбу жамоа фестивалга таниқли адиб Темур Зулфқоровнинг «Умар Ҳайём буржи» сахна асарини тақдим этди. Томошабинлар билан лиқ тўла «Болтиқбўйи» фестивал маркази биносидан намойиш этилган спектакл илқиб олинди ва таниқли театршуносларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди. (Ҳ.А.)

ХУСУСИЙ ФИРМА ПАРТА ЧИҚАРАДИ

Қарши шаҳридаги «АЗАМАТ» хусусий фирмаси хориждан олинган технология асосида замонавий мебеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Фирмада ишлаб чиқарилаётган китоб ва кийим-кечак жовонлар, стол-стуллар бежиримлиги ҳамда сифатлилиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда.

Мазкур фирма вилоят тендеридан голиб чиқиб, мактаб ва коллежлар учун парта, стол-стуллар тайёрлаб бериш учун шартнома тўзди. Аини пайтда фирмада ўн беш турга яқин маҳсулот ишлаб чиқариляпти.

А.ТАЙПАТОВ, Ҳ.А. мухбири.

Турмуш чорраҳаларида

— Билмас — Худони билмас, кўрмас — туяни кўрмас! Сен етимчаларни деб қизил юзим сомон бўлди. Анави оланг нима қаромат кўрсатувдики, сен қадримга етсанг?! — Ойниқса вайсай-вайсай молхона томонга ўтди.

Омон пул сўраганига минг пушаймон бўлиб, турган жойида қотиб қолди. Хаёлига марҳум онаси келди... Унинг мунис чехраси, бошиқ ва мулойим овози қулоқларига эшитилгандай бўлди...

Мевали дарахт

«Омонимни эсон-омон уйлантириб олсайдим», деб ният қилиб юрган Зебо бир кунликка йўлиқди. Тузқроқ васият қилишга ҳам улгурмади. Эрига: «Болаларини ҳўрламанг...» дея олди, холос.

Қосим ака хотини васиятини ўзинча тушуниб, қайта уйланишга аҳд қилди. Лекин олти ойлик қолган кенжаси кундан-кунга сўйиб борар, унга она меҳри керак эди. Катта қизи бўй етган, эшигидан совчилар аримай қолганди. Охири Қосим ака тақдирга тан берди. Қариндошлар маслаҳатини бир жойга қўйиб, уни фарзанд кўрмаган, ўрта ёшлардаги Ойниқсага уйлантириб қўйдилар.

Ойниқса дастлаб етим «ҳўжа»ларни меҳр қаноти остига олди. Саққиз фарзанд уни она ўрнида кўра бошлади. Айниқса, тўнғич қиз Баҳор ўтли-шудлигина чиқди. Бундай урдабурро қизни Ойниқса беғоналарга кетказгани келмай жиянига узатиш кўлади. Лекин Баҳордан рад жавобини эшитди. Унинг ваъдалашгани бор экан. Гапи ерда қолганидан қаҳрланиб қизнинг қурқ бошини чиқариб юборди, ҳисоб. Энди у Қосим ака билан чап бўлиб қолган, болаларни кўз очирмасди. Энг юввош даст-эри Омонни ҳам аяб ўтирмас, аччиқ гаплар билан узиб-узиб оларди.

Бир кун Омон ўртоғи билан суратга тушиб келган экан, пул сўраб, бир дунё гап эшитди.

Меваларнинг тағига тўқилганларини териб юрган Қосим ака маънос бош эгиб турган Омонни ишлаб чиқарди. Чўнтагидан пул чиқариб, Омонга узатди.

— Ма, ўғлим. Энди бора қол... — деди ва хавотирланиб молхона тарафга қараб қўйди.

Қувончи ичига сиймаган Омон кўчага отилди. Молхона охирини тозалашган Ойниқса Омон ўртоғига мени ёмонласа керак, деган ўйда тўнқуққа қулоқ тўтди.

— Пул олдингми? — сўради ўртоғи.

— Ҳа, — деди Омон. Ово-зидан хурсандлиги сезилиб турарди.

— Отанг бергандир-да? — Йўқ, оймдан олдим!

— Ойнинг бериб бўпти! «Ойниқса айнади, болалари кўзини очирмай қўйди», дейишди-ку одамлар!

Омоннинг тили гапга келмай қолди шекилли, овози бир пақза тинди. Кейин алам билан қиқиргани эшитилди: — Ким айтса ҳам, бекорларни айтибди, билдингми? Ойим... билиб қўй, сўрасам, бир сўм тўғул, ўн сўм, юз сўм ҳам беради, эшитдингми?

Омон ҳансираб, йиғлаб юборди.

Ойниқса тоқат қилиб туролмади. «Вой, мен ўлай», деганча уйга отилди.


Ойниқсанинг овозини эшитган Омоннинг юраги шув этди. Очид дарвозадан қараб, унинг уйга кириб кетганини кўрди. Бир оз таратқулданиб турди-да, уйга қараб қолди.

Уватда ўрик еб ўтирган Қосим ака аввал хотинини, ортидан ўғлининг уйга югуриб кирганини кўриб, хавотирга тушди. Омоннинг «Ой-иқон, оизга нима бўлди?» деб ҳиқиллагани уни баттар кўрқитиб юборди. Илдамлаб юриб, ичкарига кирди-ю, ҳайратдан қотиб қолди.

— Болам, болагинам, бадбахт онангини кечир! Тўқ жойда тўймаган менгиза ўлгур Баҳор қизимни норози қилиб, сендай меҳрибон боламни кўнглига озор бердим! Кўзи очик туриб, кўр бўлиб юрган гўмоҳ онангини кечир, болагинам!

Ойниқса Омонни маҳкам бағрига босиб, елкаларини силарди. Омон эса бу меҳрибонликдан қуш боласидай мўлтираб турарди.

Қосим ака ҳеч нарса деёлмади. Ортига ўгирилган, елкасидан тоғ ағдарилгандек ўзини енгил хис қилди: — Шуқур, Худога шуқур...



Даврон АХМАД олган сурат.

Бугун деҳқоннинг шашти баланд. Баҳор эрта келди. Ўз навбатида чигит экишу уни бехато ундириб олиш ҳам тезлашди. Чин барг чиқарган гўза ниҳолларига биринчи ишлов бериш давом этмоқда. Айниқса, бу талбир Бўка туманидаги Й. Ҳожиматов номидаги ширкат хўжалигида янв паллага кирган. Барча тадбирларнинг сифатли амалга ошишида хўжалик раҳбари Муртозоқул Ҳожиматов нураччи Тулаған Исоқов далалярида.

Қарор ва ижро «Аждодларимиз мероси ва соғлом авлод»

Кунги кеча «Баҳор» концерт зали талаба ёшлар ва мактаб ўқувчилари билан айниқса гавжум бўлди. Бу ерда тананик раққослар ҳамда соҳа мутахассислари томонидан миллий рақс санъатимиз тўғрисида сўхбат ўтказилди. «Тановар» рақс театри ижросида «Улугбек буржи» спектакли намойиш этилди.

Муқаррам Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 мартдаги Маърифий ва мафқуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш кенгашининг тузиш тўғрисида қарорининг ижросини таъминлаш максималда Олий ва ўрта махсус таълим халфа Халқ таълими вазирликлари билан биргаликда «Аждодларимиз мероси ва соғлом авлод» мавзюда тадбирлар дастурини ишлаб чиққан эди. Ана шу дастурга мувофиқ ҳар ойда бир марта талабалар ва мактаб ўқувчилари «Баҳор» концерт залига тақдир этилмоқда. Бу ерда уюштирилган сўхбат-концертлар ёшлардан

асрдан-асрга ўтиб келаётган миллий рақс дурдоналарига, маком санъати ва ўзбек анъанавий музыкасига қизиқиш уйғотиш, бебаҳо маданий бойлигимизга чуқур ҳурмат, миллий маънавиятимиз, қадриятларимизга эҳтиром туйғуларини сингдириш учун хизмат қилмоқда.

Еш санъат муҳлислари устоз санъаткорлар ҳаёти ва ижоди. Ўзбек миллий рақси тарихи, мумтоз кўшқичлик, маком санъати ҳақида қизиқарли маърузалар тинглаб, куй-қўшиқлардан баҳраманд бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган «Баҳор» рақс ансамбли ижросида «Устозга таъзим», «Лазги» ансамблининг «Хоразм дурдонаси», «Зарафшон» фольклор ансамблининг «Тантана» дастурларини, «Етти гўзал» рақс ансамбли концертини, «Тановар» рақс театри ижросидаги «Темирли малликлар» спектаклини томоша қилмоқда.

Б.МАНСУРОВ, Ҳ.А. мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика «Маънавият ва маърифат кенгаши», Театр ижодкорлари уюшмаси Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари билан ҳамкорликда. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб «Илҳомимиз, ижодимиз сента бахшида, она-Ватан» шиори остида Фарғона водийсида Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри иштирокида «МИЛЛИЙ ТЕАТР САНЪАТИ КУНЛАРИ» байрамини ўтказлади. Андижон вилояти 25-29 апрел 2001 йил, Фарғона вилояти 30 апрел - 5 май 2001 йил, Наманган вилояти 6-10 май 2001 йил. Миллий театр санъати кунлари доирасида Усмон Азимнинг «Кундузис кечалар», Эркин Хушвақтовнинг «Чимиллик» спектакллари, «Ажаб соолат эрур» театрлашган томошаси намойиш этилади ҳамда ижодий учрашувлар ўтказилади. Байрам тантаналарида сахна санъатининг йирик намояндалари Ўзбекистон халқ артистлари: Закир Муҳаммадҷонов, Турғун Аққозов, Ёқуб Аҳмедов, Муҳаммадали Абдуқўлиқов, Рухси Иброҳимова, Шойиб Қаринов, Меши Аҳмедов, Эркин Қошиқов, Рухсбой Абазов, Ҳожиқабар Қуръатов ва истеъфоддаги ёшлар шайхирок тайақлар.

2001 йил 15 мартда «Халқ сўзи» газетасида Ўзбекистон Республикаси ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича реабилитация қилиш Миллий маркази бўйича вакант лавозимларга эълон қилинган танлов БЕКОР ҚИЛИНАДИ.


«ҚАДОҚМАШАВТОМАТ» КБ газланган минерал сувларни ПЭТ бутилкаларига қуювчи ускуналар жамланмасини тайёрлашга Буюртма олишни давом эттиради. шунингдек, қуйидаги жиҳозлар СТИЛАДИ: Червякли пресс ЧП 63-30 (экструдер), Металл қирқувчи ва ёғоч ишловчи ускуналар, Чилангарлик верстақлари, Кийим учун металл шкафлар. Тошкент ш., Бобур кўчаси, 77-уйга мурожаат этинг. Тел.: 55-14-70, 55-14-37.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тўсовди меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2001 йил 9 апрелдан 14 апрелгача бўлган маълумот) I. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 26 мартдаги 29-сонли «Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни ва маҳаллий бюджетларида қўзда тутилган режалар иллик даромдлар ва харажатлар ҳажмларининг чораклик тақсимотини тузиш, бюджетни ижро этиш жараёнида киритиладиган ўзгартришларни ҳисобга олиш, бюджетда кўрсатилган ташкилотлар ва тадбирларни молиялаштириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буй-руғи! 2001 йил 12 апрелда 1025-сон билан рўйхатидан ўтказилди (2001 йил 22 апрелдан қучга қиради). 2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2001 йил 5 апрелдаги 2-сонли ва Молия вазирлигининг 33-сонли «Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари, Зарафшон шаҳарчаси бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларига муайян давр ишлабчилик учун ойлик тўловлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори! 2001 йил 13 апрелда 1026-сон билан рўйхатидан ўтказилди (2001 йил 23 апрелдан қучга қиради). 3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2001 йил 5 апрелдаги 1-сонли ва Молия вазирлигининг 34-сонли «Иқтисодиётнинг ноишлаб чиқариш тармоқларидаги умумтармоқ касб мутахассислари ва хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича тариф разрядлари тўғрисида»ги қарори! 2001 йил 14 апрелда 1027-сон билан рўйхатидан ўтказилди (2001 йил 24 апрелдан қучга қиради). II. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди: 1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг «Тендерда ютиб олинган йўналишларда ноқонуний ишлаётган автоташувчиларга нисбатан чоралар қўллаш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида» буйруғи. 2. Давлат буюртмасини бажарган хўжалиқлар ва ушбу буюртмани бажармаган хўжалиқлардаги хўжалик ички шарҳотмасини бажарган оилавий пурачига ва ижарачиларга пахта томи ашёсини сановат йўли билан қайта ишлаш натижасида олинадиган пахта истеъмол ёғи, шелуха ва шротни хўжа-ликларга қайтариш ҳақида низо. ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган. 3. Солиқ қончилигида доир тегишрив ҳужжатларини расмийлаштириш, суриштирув органларига ўтказиш ҳамда маъмурий ва жиноят ишларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. ЎзР Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган. Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қончиликка зид қондалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хўсаларига ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такороран тақдим этилиши мумкин. III. Хуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда: 1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг «Чет эл инвесторлари томонидан сотиб олинмаган акция пакетлари ва объектлар учун тўлов шакллари тўғрисида»ги қарори. 2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг «Судьялар ҳамда суд процесси қатнашчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» қарори. Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган қуйидаги меъёрий ҳужжатлар аниқланди: 1. Хориждан маблағ жалб қилиш ва капиталнинг ҳаракатланиши билан боғлиқ бошқа валюта операцияларини амалга ошириш тартиби. ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган. 2. Солиқлар тўлашдан овоз қилишда бўшатишган маблағлар ҳисоби тўғрисида тушунтириш. ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган. 3. Давлат бюджетни маблағлари ва марказлашган кредитлар ҳисобидан инвестиция дастурига киритилган қурилиш объектларига аванс беришдаги ҳисоб-китобларнинг вақтинчи тартиби. ЎзР Ҳисоб китоблар механизмининг тақомиллаштириш ва бюджетта тўловлар таъминотини мустақамлаш бўйича Хўкумат комиссияси томонидан тасдиқланган. Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар қучга қираган ҳужжат сифатида хуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли хуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, қорхоналар ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжатлар бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идораларга ушбу ҳужжатларни ижродан қақириб олиш ва бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди. Саволлар ва тақлифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28

Асад АСИЛ.

Ташаббус



Бухоро вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан вилоятда «Мактаблар кун» тадбирларини ўтказиш белгиланди ва ҳар ойнинг учинчи душанбаси «Мактаблар кун» деб эълон қилинди. Бу тадбирдан кўзланган асосий мақсад — Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил қилиш» ҳақидаги Қарорини амалиётга татбиқ этиб, вилоят умумтаълим муассасаларининг моддий негизини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия мазмунини янада такомиллаштириш, ҳушас, мактабни юқори поғонага кўтариш эди.

Бухорода — мактаблар кун

Ушбу тадбир бугунги кунда вилоятдаги барча ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, тадбиркорлар, фермерлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг мактабга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди. Жумладан, вилоятда мактабларга 441 гектар экин ер ажратилди. Ундан олинган 52,7 млн. сўм даромад ўқув масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилаларнинг болаларига моддий ёрдам кўрсатиш, мактаб кутубхоналарини китоблар билан бойитиш каби эзгу ишлар учун харж қилинди.

501 та мактабда «Тиббий хона», ҳақим, ҳамшира, тиш даволаш фаолияти йўлга қўйилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси жойлардаги шаҳар, туман Халқ таълими бўлиmlлари таълим хизматлари кўрсатиш борзирини шакллантириш, кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетинг жадваллаштириш, шунингдек, таълим муассасаларини маблағ билан таъминлаш бўйича бир қатор ташкилий ишларни амалга оширилди. Бугунги кунда вилоятдаги 528 та умумий ўрта таълим муассасаларининг 511 таси ўз ҳисоб рақамларига эга. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан 3560 та ташкилот, корхона, фермер хўжалик, юридик ва жисмоний шахслар мактабларга ҳомий этиб бириктирилди. 2000 йилдан бун мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 600 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Шунингдек, вилоят ҳокими қарорига асосан «Вилоят ҳокими стипендиеси» таъсис этилди. Бугунги кунда 20 нафар аълочи ва жамоатчи ўқувчилар ушбу стипендияни олмақда. Умуман, вилоят бўйича 1830 аълочи ўқувчи маҳсус стипендия олиб тахсил кўрмоқда.

Шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан 15869 нафар кам таъминланган оила фарзандлари кийим-кечак ва дарсликлар билан таъмин-

ланди. 501 та мактабда «Тиббий хона», ҳақим, ҳамшира, тиш даволаш фаолияти йўлга қўйилди.

ФИФА президенти Тошкентга келади(ми?)

Бугун юрдошларимиз футболдан кўп гапирадиган бўлиб қолишди. Уларнинг фикрларини эшита туриб, жамоанинг яхши ўйин кўрсатиши учун мутасаддилардан кўра ана шу ишқибозлар кўпроқ қайғурётгандай туюлади. Айниқса, мамлакат терма жамоалари ўзаро баҳс бойлайдиган бўлса, чарм тўп атрофидаги «мишмиш»лар ёмғирдан кейинги кўзиқориндек кўпаяди. Хўш, терма жамоалар қачондан бошлаб яшил майдонда ўзаро беллаша бошлаган? Энг биринчи халқаро урашув 1872 йилда Глазго шаҳрида бўлиб ўтган. Бу ўйинда Англия ва Шотландия терма жамоалари куч синашишган. Қизиғи шундаки, майдонда ҳаракат қилган англиялик 10 нафар футболчилдан биттаси ҳимоячи, яна бири ярим ҳимоячи, қолган саккизтаси эса ҳужумчи вазифасини бажарган. Шотландияликлар иккитадан ҳимоячи ва ярим ҳимоячи, олти та ҳужумчи бўлиб тўп суришган. Ҳужумчилар шунчалик кўп бўлишга қарамай, ўйин 0:0 ҳисобида яқунланган.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон терма жамоаси ҳам ана шундай нуфузли урашувларда қатнаша бошлади. Таъкидлаш жоизки, бу борада маълум ютуқларга ҳам эришилди.

Иордания, Туркманистон, Хитой Тайпейи худудий жамоамиз олдида бугун Жаҳоний Корея ва Японияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига бериладиган йўлланмани кўлга киритишдек маъсулятли вазифа турибди. Осиё футбол конфедерациясига аъзо бўлган 44 та давлат учун бор-йўғи 2,5 та йўлланма ажратилган (учинчи бўлган жамоа Европа термаларининг бири билан ўтиш қиларимиз. Туркманистонни истисно қилганда, ракибларимизнинг қандай тўп суриши ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Гурӯҳнинг аутсайдерини деб тахмин қилинаётган Хитой Тайпейи худудий жамоасини олинг. Турган битгани жумбоқ. Ким ўзи у? Нима мақсадни кўзлагани? Ҳеч ким жавоб бера олмайди. Ҳатто бош мураббийимиз, рос-

Футбол: жаҳон чемпионати — 2002

бош мураббий Бранко Раковичдан умиди катта уларнинг. Ен кўшнларимиз термасида тўп сурадиган «украиналик туркманлар»нинг саралаш ўйинларига жиддий ҳозирлик кўрганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам 23, 25, 27 апрел кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган баҳсларга қизиқишни янада кучайтирмоқда. Дарвоқе, саралаш учрашувларининг тантанали очилиш маросимида ФИФА президенти Йозеф Блаттер, ОФК Бош қотиби Питер Веланларнинг ташриф буюриши кутилмоқда.

Шу йилнинг 23 апрел кунини соат 18:00 да бошланадиган ана шу маросимни юксак савияда ташкил этиш, меҳмонларга етарли шароит яратиб бериш учун Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Футбол федерацияси томонидан ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган.

Икки оғиз болгариялик легионерларимиз ҳақида. Маълумки, терма жамоамиз таркибида «Левски» София клубининг икки на-

сиялик тажрибали мутахассис В.Салков ҳам. Иордания-чи? Бу жамоа май ойида иккинчи давра ўйинларига мезбон бўлиши сабаб, Аммондаги маҳаллий матбуот ўз терма жамоаларининг иккинчи босқичга чиққанини ҳозирдан таъкидлашмоқда. Югославиялик

ит яратиб бериш учун Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Футбол федерацияси томонидан ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган.

Икки оғиз болгариялик легионерларимиз ҳақида. Маълумки, терма жамоамиз таркибида «Левски» София клубининг икки на-



сиялик тажрибали мутахассис В.Салков ҳам. Иордания-чи? Бу жамоа май ойида иккинчи давра ўйинларига мезбон бўлиши сабаб, Аммондаги маҳаллий матбуот ўз терма жамоаларининг иккинчи босқичга чиққанини ҳозирдан таъкидлашмоқда. Югославиялик

Озод БЕК, «Халқ сўзи» мухбири.

Сиз суратда кўриб турган йигитларнинг бутун китъамизни лол қилиб, Осиё ўйинлари чемпиони (1994 йил, Хиросима) бўлгани, Афро-Осиё кубоғида нигериялик «яшил бургутлар» билан теппа-тег тўп сургани ҳеч кимнинг эсидан чиққани йўқ.

Вақтида ана шундай моаси. Булар бизнинг 7-оламшумул галабаларни саралаш гуруҳидаги ра-

ХИҚМАТ
Йилларнинг йиғини умр саналмас,
Элга наф етказган кунинг умрдир.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТИББИЁТ ВИЛИМ ЮРТИ
28 апрел ва 19 май кунлари абитуриентлар учун «ОЧИҚ ЭШИКЛАР» кунини ўтказди.

ТАШКИЛОТ ПРИМА ПАХТАСИННИ СОҒИЙ ОЛАДИ.
Тел.: 137-47-00, 137-48-00.

Азиз юрдошлар!
ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ
юртимиз худудида истиқомат қилувчи барча аҳолига янги жозибали «Келажак» деб номланувчи муддатли омонат турига пул маблағларини қўйишни таклиф этади.
«Келажак» омонати ҳозирги кунда омонатчилар учун энг қулай даромад манбаи бўлиб, омонатнинг энг кам миқдори 30 минг сўм, ойига олдиндан 3,5 фоиз даромад тўлаш шарти билан 9 ой муддатга қабул қилинади ва ҳар ойда омонатга қўшиладиган даромаднинг олиб ишлатиш мумкин. Ушбу омонатга маблағларини қўйган заҳотингиз бири ойлик фоиз даромади бирдан ҳисобланиб, омонат қолдигига қўшиб борилади.
Агарда ҳар ойда омонатга тўланадиган фоиз даромадни 9 ой муддат ўтгандан сўнг омонат қолдиги билан бирга олсангиз 36,2 фоиз даромад ҳисобланади. Белгиланган муддат тугагандан сўнг, сизнинг ихтиёрингизга кўра, ушбу омонат бир маротаба яна 9 ой муддатга қайта расмийлаштирилиши мумкин, бунда фоиз даромадлари 1 йил 6 ой мобайнида омонат қолдигига ҳар ойда қўшиб ҳисобланганда, даромадингиз 85,8 фоизни ташкил этади.
Банк сармоянгиз ҳақидаги маълумотларни сир сақлашни, омонат шартларининг тўлиқ бажарилишини ва сизнинг биринчи талабингиз асосида пул маблағларингиз қайтариб берилишини кафолатлайди.
Биз сизга хизмат кўрсатишдан мамнунмиз!
Кўшимча маълумотларни куйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 120-45-17, 133-34-45, 136-06-54.



Янгиқўрган туманида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Яқинда бу ерда вилоят шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг филиали очилди. Бу эса аҳолининг мушкулдиги осон қилди. Шунингдек, туманининг чекка тоғли қишлоқларида ҳам бир неча қишлоқ врачлик пунктлари қурилмоқда. Мустақиллик байрамига қадар Оқтоғ, Газнон, Сангистон ва Гаистон қишлоқларида ҳам фельдшерлик-акушерлик пунктлари иш бошлади.



СУРАТЛАРДА: туман марказий шифохонаси бош шифокори Хусанбой Уринов ва болалар шифокори Лайло Аҳмедова; шошилинч тиббий ёрдам марказининг умумий кўриниши. Тўғрибой МАҲКАМОВ олган суратлар.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари, фирмалар ва хусусий тадбиркорлар диққатига!
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШИДА ПУДРАТ САВДОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ
ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ УЧУН
ТАНЛОВ (ТЕНДЕР) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Навоий вилояти телерадиокомпанияси биносининг қурилишини давом эттириш.
Буюртмачи: Навоий вилояти ҳокимлигининг Капитал қурилиш бошқармаси.
Қурилиш ташкилотлари куйидаги шартларга мос келишлари керак: зарур касбий ва техник имкониятларга, тажриба ва нуфузга, зарур одамлар ресурсларига, моддий маблағлар ва бошқа ресурсларга эга бўлиши, шунингдек шартнома (контракт) тузиш фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига ва ваколатларига эга бўлишлари талаб этилади.
Танлов савдосида қатнашувчилар тендер ҳужжатларини олиш учун эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида мурожаат қилишлари мумкин.
Оферталар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ойдан кейин очилади.
Манзилими: Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32, тел./факс 225-53-85.

Table with 2 columns listing various companies and their services. Column 1: Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Тиббиёт-санитария билан ҳамоиша ИБОДАТХОНАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади. Column 2: «Агротрансмаҳсуқурилиш» трести жамоаси Фарғона вилоят МСПМК-399 ҳиссадорлик жамияти бошлиғи Аскаралли Ҳайдаровга отаси Мақсудулло ҲАЙДАРОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилиши. Column 3: Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик ишлар бошқармаси бошлиғи Норқобил Чориевга отаси Раҳмон ЧОРИЕВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади. Column 4: «Уздунробита» қўшма корхонаси МТТХ бошлиғи Николай Великановга отаси Вера ВЕЛИКАНОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради. Column 5: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббиёт-санитария билан ҳамоиша Санэпидстанция жамоаси профилактик дезинфекция бўлими бошлиғи, санитария эпидемиология хизмати ветерани Тўғри ИҶДОШЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор қилади. Column 6: «Экосан» Халқаро жамғармаси бошқаруви, жамғарманинг Қашқадарё вилояти бўлими бош директори Шамси Набиевга ўли ИЛХОМЖОНнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙСЕРБЕРЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.
БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60; 136-29-89; 133-07-48; 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибиат — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2315, 26639 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.
Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — М. САФАРОВ.
Навбатчи — У. ФАЙЗИЕВА.
Мусахҳах — Ш. МАШРАББОЕВ.
• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.20
1 2 3 4 5 6